

H
A
T
A
H
A
Y
A
H

Ленинград театри пойтахтимизда

◆ Суратларда ленинградлик санъат усталари намоён этилган спектакллардан кўринишлар: (ўнгда) Владимир Арноннинг «Мовий осмон ва ундаги булутлар» асарида парча. Ролларни РСФСРда хизмат кўрсатган артист В. Карпова (Ася), артистлар С. Карпинская (Сонечка) ва И. Черезова (Синеглазка)лар ижро этишмоқда; (чапда) Сергей Михалковнинг «Қи-роллар ҳамма ишни қила олади...» спектаклидан кўриниш. РСФСРда хизмат кўрсатган артистлар А. Севостьянов (В. Шурлев) ва И. Дмитриев (П. Чизанов)лар ижросида кўриб турибсиз.

М. Исмолов фотоси.



Шу кунларда тошкентлик кулгу мухлисларининг кайфияти чот. Бир неча кундирки Халқлар дўстлиги санъат саройи, авиасозлар маданият уйи ва М. Горький номидаги рус драма театри биноларида Ленинград Давлат академик комедия театрининг актёрлари ўз санъатларини намоён этишмоқда.

Пойтахтимиз театр ишқибозлари ленинградликлар ижросида ўн битта энг яхши спектакллари томоша қилишди. Булар орасида Е. Шварцнинг «Соё», С. Михалковнинг «Қириллар ҳамма ишни қила олади...», В. Шукшиннинг «Характерлар»

КУЛГУ УСТАЛАРИ МЕХМОНИМИЗ

комедиялари ҳам бор. Асарлардан 3 тасининг премьераси ҳам шу ерда бўлиб ўтди. Уларни кўрган томошабинлар РСФСР халқ артисти Е. Юнгер, республикада хизмат кўрсатган артистлар Н. Дмитриев, В. Никитенко, Л. Леонидов каби сахна усталарининг маҳоратидан завқ оладилар.

Театрга РСФСРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Юрий Аксенов режиссерлик қилмоқда. У қарийб 20 йилдирки, ушбу театр ташкилотчиларидан бири, СССР халқ артисти Николай Аксеновнинг ижодий тажрибасини ривожлантириб бораётир.

— Театримиз ўзбек томошабинлари билан илк марта учрашди, — дейди унинг директори Юрий Губанов. — Унинг 56 йиллик тарихи ва тажрибасига эга коллективимиз учун Тошкент сафари ўзига хос жиддий ижодий синов бўлади, десам ялғизмаган бўламиз.

Ш. ИСРОИЛОВ.

КЎРК БАҒИШЛАЙДИ

Ниязали Холматов, Ғайрат Камолов ва Мирмахмуд Собиров сингари мўйиқалом соҳиблари бир неча йиллардан буён «Уста» Забестон халқ амалий санъати бирлашмасининг лақли миниятуралар устaxonасида баракли меҳнат қилиб келишмоқда. Улар яратибган асарлар пойтахтимиздаги ўнлаб биноларда кўрк бағишлаб турибди.

Шу кунларда рассомлар Куйбишев районда бунёд этилган «Гунча» болалар нафисини пардоздан чиқармоқдалар. Бу ерда улар халқимиз қаҳрамонлигини улуғловчи бир неча рангбаран паннолар яратишди. Улар орасида «Уч оғани ботиқлар» эртагининг афсонавий қаҳрамонлари ҳам ўрин олади. Уларни сайқаллашда чинини буюмларнинг бундада иштирокидан бу, ёқлардан фойдаланилади. Илк бор ўтказилган бу тажриба буюртмачилар томонидан тузилган комиссия аъзоларига ҳам маъқул бўлди.

О. АПУХТИН.



Суратларда: деворга ишланадиган расмларнинг кўриниши. Автор фотолари.

ТУРЛИ КАСБ ЭГАЛАРИ

Меҳнат ветерани ва коммунистик меҳнат зарбодри Майшараф Сафаровнинг кикосчилиқ қилаётганига 10 йилдан ошди. Пенсия ёшидаги бу мухтарама аёл Янгийул шаҳар касалхонасига жойлашган кюскада аҳолига намунали хизмат кўрсатмоқда. У ишлаётган «Союзпечать»нинг шикоят ва таклифлар дафтарига кўз югуртирсангиз фақат миннатдорчилик билдириб битилган раҳматномаларни

ХИЗМАТИДАН ЭЛ МАМНУН

Ўқийсиз. «Кюскачи Майшараф Сафаровнинг ширинсуҳанлиги, очирқўнчилиги, хушмуомалалигидан беҳад мамнун бўлдим. Ўзимизнинг севимли газети ва журналларимизни белгиланган вақтда мунтазам олиб туришди», дея дил сўзларини ёзади кўз касаллигини даво-

А. АКБАРОВ.

ХАЛҚАРО ЛЕЙПЦИГ ЯРМАКАСИ ОЧИЛДИ

ЛЕЙПЦИГ. 2 сентябрь. (ТАСС). Бу ерда «Эринг жаҳон савдоси ва техника тарқиқети учун» шiori остида халқаро Лейпциг ярмаркаси очилди.

Иқтисодий ва илмий-техникавий ютуқларининг анъанавий кўригига 6 мингта яқин корхона, фирма ва таъхир савдо ташкилотини ўз эксконатларини тақдим этди. Энергия хом ашё ва материалларини самарали қазиб олиш, ҳосил қилиш, қайта ишлаш ва фойдаланиш — кўпгина бўлимларининг асосий мавзудир.

Анъанага кўра, Совет Иттифоқи Лейпциг кўригининг энг йирик ажнoбий қатнашчиларидан биридир. Совет лавилониди, шунингдек унга тутайиб кетган оқинг майдончаларда томошабинлар 8 мингта яқин экспонатларини кўчилиги биринчи марта намоён қилинади. Совет лавилонининг махсус бўлимида биринчи марта Якутия АССР экспонатлари намоён қилинади.

Ярмарка доирасида актуал иқтисодий, илмий ва техникавий проблемалар, давлатлар ўртасида чуқур ҳамкорлик қилиш масалалари юзасидан тажриба алмашиш кўзда тутилди.

(ТАСС, 2 сентябрь).

БАЙРУТ

Ливан ватанпарварлари Исроил босқинчилар ва уларнинг гушталарига қарши яна бир неча марта операция ўтказдилар. Айн-Клеа қишлоғи яқинида душман позицияларига ракетадан ўқ отиб сезиларли талафот етказилди. Айн-Ибъл посёлкаси ва Хаббария қишлоғи яқинида ҳам интервенциячилар ва маҳаллий ватан ҳўчиларнинг постларига ҳужум қилинди. Маржаюн яқинида Исроилнинг иккита механизацияланган соқчис қишлоғи қулаб қолди.

БОНН

Ғарбий Германия тинчлик тарафдорлари тинчлик ва кўрсатилган учун касабасида ҳаракати кўннин кўп кишилик намоёнлар ўтказди. Америка ҳарбий базаларини ўраб олиш, урушга

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН МТ I
9.00 «Время».
9.40 Телевизион бадийи фильм.
11.05 Ёшлик куйлайди ва рангга тушади.
11.25 «Галлаб» стратегияси.
12.25-13.00 Янгиландилар.
13.00 Хўжжати фильмлар.
15.00 Таттар халқ куйлари.
16.20 Ёзувчи Алекс Ла Гума

билан учрашув.
16.40 Совет тасвирий санъати.
17.40 «Планета болалар дўстлашадилар».
18.30 «Сиз пратган бола».
19.00 «Расмларда кўёш акси бор».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 Кинотурал.
19.40 Инсон ва қонун.
20.10 Концерт.
20.30 «Галаба» стратегияси.
20.40 Кўп серияли телефильм премьераси. 14-й (якунолчи) фильм. «Тинч океанда ҳам...» 2-қисм.
21.30 «Время».
22.00 Футбол бўйича СССР чемпионати.
22.45 Дунё воқеалари.
23.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 Хўжжати фильм.

9.35, 10.35 Табиғатшунослик.
9.55 Илмий-оммабо фильм.
10.05-13.00 Француз тили.
10.55 «Ростов финифти».
11.05 Хўнар-техника Илим юртларининг ўқувчилари.
11.45-12.40 Ботаника.
12.05 «Шахмат мактаби».
13.30 «И. О. Дунаевский музикалари».
14.00 Совет тасвирий санъати.
14.30 «Тарих саҳифалари».
15.15 «А. С. Макаренко — педагог, ёзувчи, гражданин».
16.05-18.30 Янгиландилар.
18.45 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
19.30 «Муҳибларимиза ҳикоя қилишадилар».
20.00 Илмий-оммабо фильм премьераси.

ШАХМАТ ЯНА КАРПОВ ВА КАСПАРОВ

Кеча пойтахтимиз Москвада шахмат бўйича жаҳон чемпиони Анатолий Карпов ва дэввогар Гарри Каспаров ўртасида шахмат тожи учун ўтказилганда чемпионатнинг охишли йаросими бўлиб ўтди. Бутун эса Чайковский номида Концерт залида бу икки буюк шахматчи баҳсин бошладилар. Ўйин 24 партидан иборат бўлади. Агар ҳисоб 12:12 бўлиб қолса, Карпов ўз унвонини сақлаб қолади.

Маълумки, 1984 йил 10 сентябрдан шу йилнинг 15 февралгача бу икки шахматчи ўртасида жаҳон чемпионлиги учун 48 партия ўйналган эди. Ушунда дуранглар ҳисобга олинмай, фақат кимда-ким олти марта галаба қозонса у чемпион бўлиши керак эди. Бахс жуда чўзилиб кетди ва 5:3 ҳисобига борганда тўхталди. Жаҳон шахмат федерациясининг қарори билан маълум танлафусдан кейин яна қайтадан ўтказишга қарор қилинди. Ушунда А. Карпов ва Г. Каспаров ўртасидаги 48 партияда 1649 юрши қилиниб, унинг учун 203 соат 16 минут сарфланганди. Карпов ўз юршиларига ҳаммаси бўлиб 101 соату 53 минут, Каспаров эса 101 соату 23 минут сарфлаганди.

Шубҳасиз, орадан ўтган вақт ичиди бу икки буюк шахматчи жуда катта тайёрилик кўрдилар. Ўйлашмики, улар янгидан бошланган жаҳон чемпионатиди бутун шахмат оламини қизиқтирувчи янгилдиклар қилишди.

Энди бу икки шахматчининг биографиясини ўзига хос ўйин услуби ҳақида айрим маълумотларини келтирмоқчимиз.

А. ИНОҚОВ, СССР спорт мастерлигига номзод.

МУСОБАҚАЛАР, УЧРАШУВЛАР

ЯРИМ ФИНАЛЧИЛАР

АНИҚЛАНДИ

Мамлакатимизда футбол бўйича ўсимлар ўртасида жаҳон чемпионати давом этмоқда. СССР терма командаси Хитой — Халқ Республикаси футболчилари билан учрашувда 1:0 ҳисобида галаба қозониб, ярим финалга чиқди. Бу ягона голни Олег Кузнецов учрашувнинг биринчи минутидеёқ рақиб дарвозасига киритган эди.

Нигерия ва Мексика футболчилари ўртасидаги ўйинда африкаликлар 2:1 ҳисобида рақибларини мағлубиятга учратдилар. Бразилияликлар эса колумбиялик тенкурларни дарвозасига 6 та жаобсиз тўп киритиб, улар ҳам ярим финалга чиқиди. Испания ва Болгария учрашувда 2:1 ҳисоби қайд этилди.

4 сентябрда ярим финал ўйинларида Москвада СССР — Испания, Ленинградда эса Бразилия — Нигерия командалари баҳслашишди.

МАҒЛУБИЯТГА ТЕНГ

ДУРАНГ

«Пахтакор» навбатдаги турда «Туркия» командасининг меҳмони бўлди. Учрашув 2:2 ҳисобида якунланди. Лекин



Синоптикларнинг хабар қилишларича, шу ҳафтада Ўзбекистоннинг кўпчилик районларида кечалари 11 — 16, кундуз кувалари 26 — 31 даража иссиқ бўлади. Қашқадарё, Сурхондарё областларида кечаси 14 — 19, кундуз 28 — 33 даража иссиқ бўлади.

Айрим кунлари ҳарорат 33 — 35 даражага, рес-

публиканинг жанубида 36 — 37 даражага кўтарилади. Шу ҳафтининг охирида ҳавода булут — кўпчилик қутилади. Баъзи районларда, асосан тоғлиқ районларда қисқа муддатли ёмғир ёғиб, момақалдироқ бўлиши мумкин.

Шу ҳафта мўйидаги ўртача ҳарорат кўп йиллик ўртача даражага яқин бўлади.

(ЎЗТАГ).

Редактор Н. НАСИМОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«ЭРА—100»



«ЭРА — 100» — мамлакатимизда ишлаб чиқарилган электр устаралярининг тўнғичи бўлиб, унинг комплекти қирқувчи блокнинг икки хил устарадан иборат. Сиз соқол олаётганингизда териниңизнинг ҳусусиятига қараб исталган устарилай тайлайсиз ва шу билан ораста соқол оласиз.

Комплектада майини гилоф борлиги туфайли электр устарилай узоқ сафарларга олиб бориш мумкин. Деворга осиб қўйилганда илгаги электр устарилай уйда ишлатишнинг оинта қудай қилган.



«ЭРА—100» ЭЛЕКТР УСТАРАСИ ЖАҲОННИНГ ЭНГ ЯХШИ БУЮМЛАРИ ҚАТОРИДА СОВГА ТАРИҚАСИДА ЧИРОЙЛИ БЕЗАКЛАНИБ ИШЛАНГАН.

Электр устара 172, 220 вольтда кўчланилиш ўзгартувчан ток манбаидан қувват олиб ишлайди.

Баҳоси 25—27 сўм.

МОСКВА ШАҲРИДАГИ АСВОСОЗЛИК ЗАВОДИ «РЕКЛАМА» МАРКАЗИЙ АГЕНТЛИГИ.

МАНДАРИН ШАРБАТИ ЧАРЧОҚНИ ЁЗАДИ



Бир стакан мандарин шарбати таркибиди нисон организмга бир сутка мўйида керак бўладиган С витамини миқдори бор.

Мандарин мевасида витаминлар кўп бўлиб, бу неъматнинг лаззатини ва тўйимчилигини оширган.

Мандарин мураббоси лаззатли таом бўлиши билан бирга булукча, пироглар, торлар устига қуришда жуда ҳам қўл келади.

СССР МЕВА ВА САБЗАВОТ ХЎЖАЛИГИ МИНИСТРЛИГИ. «РЕКЛАМА» МАРКАЗИЙ АГЕНТЛИГИ. «СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТИҲОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ (телефон 45-37-27).

КУМУШ САЙҚАЛ БЕРИЛГАН КАҲРАБО...

Сутраинг-оқ, тилларанг-сарик, ҳаворанг, олчаранг... Ҳайрон бўлмаг: буларнинг ҳаммаси ажойиб қаҳрабо тошини қайроғомуз жилашқидир.

Агар бу турланувчи рангдор тошга монанд кумуш халқалар тайлай олинса, унинг табиий жилоси ва чиройи янада ортади.

Кумуш билан халқаланган ранг-баранг қаҳрабо қулонлар, тўғноғичлар, гаритурлар ажойиб зийнат буюмлари ҳисобланиб, улар ҳеч қачон эскирмайди ва моддан қод майди.

Кумуш сайқал берилган қаҳрабо зийнат буюмларини Сиз давлат савдоси ва матлубот кооперацияси магазинларидан харид қилишнингиз мумкин.

КАЛИНИНГРАД КАҲРАБО КОМБИНАТИ. «ГЛАВКООПИНФОРМРЕКЛАМА».

8-УРТА ХўНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

8—10 синф ҳажмида маълумотли

йигит ва қизларни

ЎҚИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

8-синф ҳажмида маълумот билан ўқини муддат—3 йил. Уч йиллик муддатдаги таълим бўйича қабул қилинганлар озиқ-овқат, кўчалик ва махсус кийим-бош билан таъминланадилар. Ўқиниш тугатгач насб эгаллаш билан бирга ўрта маълумот тўғрисида аттестат оладилар.

Шунингдек 8-синф маълумотида эга ўқувчилар 1—2 йиллик муддатдаги таълим бўйича ҳам қабул қилинадилар ва озиқ-овқат, кўчалик ва махсус кийим-бош билан таъминланадилар. Ўқиниш тугатгач эгалланган малакани тўғрисида аттестат оладилар.

10-синф маълумотида эга ўқувчилар 8 ой ўқийдилар ва оинга 65 сўм миқдорда стипендия билан таъминланадилар.

Барча ўқувчилар ишлаб чиқариш практикаси даврида иш қилишнинг 50 процентини оқидилар.

Билим юртида ўқиниш муддати меҳнат стажига қўшилди.

Билим юрти қўйидаги иқтисослар бўйича авиация саноати учун юқори малакали мутахассислар тайёрлайди: учини аппаратлари йиғувчи-слесари, робот-манпулятор соловчи, рақамли программа билан бошқариладиган станоклар оператори, токар, фрезерчи, механика-йиғув ишлари слесари, саноат ускуналарининг ремонтчи-слесари.

Билим юртида спорт секциялари ишлаб турибди. Бадний ҳаваскорлик, авиамоделилар тўғрисидаги мавжуд. Билим юртига кириш учун қўйидаги ҳужжатлар лозим: тугилишнинг тўғрисида гувоҳнома, маълумоти тўғрисида гувоҳнома, турар-жойидан справкка, ота-онанининг иш жойидан справкка, мактабдан характеристика, таркиман холи, медицина справккаси (286-форма), 8 дона фотосурат (3х4 см. ва 4х5 см.).

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, У. Юсупов кўчаси, Авиационный проезд, 10-уй (10, 44, 48, 85, 97-автобуслар; 10, 23, 27-трамвайларнинг «Ц-13 квартал» бекати). Телефон 41-89-01.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
/ "Ташкентская правда" /
ОРГАН ТАШКЕНТСКОГО ОБКОМА КОМУНИСТИЧЕСКОЙ ПАРТИИ ЎЗБЕКИСТАНА И ОБЛАСТНОГО СОВЕТА НАРОДНЫХ ДЕПУТАТОВ

БИЗНИНГ АДРЕС:
700047, ТОШКЕНТ
ЛЕНИНГРАД
КЎЧАСИ, 32

Редактор қабулхонаси—325351; редактор ўринбосарлари — 335885; 325747, 337916, 325748; масъул секретари—334808, 325353; секретариат—325750. БУЛИМЛАР: партия турмуши—325778; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 337010, 325749; кишлоқ хўжалиги—325647; пропаганда —325553; совет қурилиши—325645; маданият—325767; ахборот ва спорт —337010, 325733; хатлар ва оммавий ишлар—334048, 325354; фелетонлар ҳамда ҳарбий ватанпарварлик —325556; редакция бўйича тўнғич навбатчи —334808, 325353.